



Даҳр боди аро кўп истамагил айшу тараф
Ким, гули шуълайи гам, гунчасидур хори тааб.

Сунбула ришталарин риштайи максуд дема,
Ким, кўнгуллар куши домига эрур барча сабаб.

Ариги ичра ушок тоши агар инжу зар,
Тойири умрунг учун донаву су топти лакаб.

Англа зийрак куш аниким, кўрубон мундок дом
Бўлмагай теграсида обхўру дона талаб.

Дона об, хосил этиб фазла, нажас айламагай
Бог сахнини, риоят килибон тарки адаб.

Ё бўлуб домга мухкам тона олмай махлас,
Урунуб, толпинибон айламагай шўру шагаб.

Чун Навоий кўзи бодлик куш эрур олам аро.
Бу чамандин англа учмогни насиб эт, ё Раб!

Дунё молига берилишдан кайтариш мумтоз адабиётда кўп учрайди. Таъқидланишича, мол-дунёга ортикча меҳр кўйиш инсонни Хак йўлдан оздиради, Парвардигоридан бегоналашиб, тубанлашувига сабаб бўлади. Шунинг учун хам сўфиёна адабиётда дунё кўпинча нозу ишва билан ошикларини йўлдан урадиган, лекин хеч кимга вафо килмайдиган хиёнаткор маъшукага ўхшатилади. Гўёки сарвқад ва гўзал кўринадиган, аслида эса кадди букчайган, тишлари тўкилган кампирга киёсланади. Навоийнинг фалсафий карашларини ифода этган орифона асарларидан бўлмиш мазкур газалда хам мол-дунёнинг ёмонликлари хусусида сўз боради, унга кўнгил бермасликка, нафс тўрларидан кутулишга даъват килинади:

Даҳр боди аро кўп истамагил айшу тараф
Ким, гули шуълайи гам, гунчасидур хори тааб.

Мазмуни: Бу дунё богида кўп хам айшу тарабга берилма, унинг кўзларингни яшнатувчи гуллари аслида гам шуъласи, калбингга кувонч багишловчи гунчалари машаккат тиканларидир.

Бунда азиз умрини ўйин-кулгу, хою хавасга берилиб, бехуда ўтказмасликка даъват бор. Зеро, Аллох хузурида инсон хар бир хатти-харакати, хар бир айтган сўзи учун хисоб беради. Умрини дунё богида айшу ишратда ўтказган кимсаларнинг калбини киёматда у гуллар гам ўтига айланиб куйдиради, багрига у гунчалар машаккат тикани бўлиб санчилади.

Сунбула ришталарин риштайи максуд дема,
Ким, кўнгуллар куши домига эрур барча сабаб.

Мазмуни: Дунё отлиг маъшука зулфининг торларини максадга етказадиган восита билиб алданма, — деб огохлантиради шоир, — уларнинг хар бири аслида кўнгиллар кушини овлаш учун бир тузокдир.

Соч — тасаввуф шеъриятида моддий дунё тимсоли бўлиб келади. Унинг узунлиги — дунёвий хою хавасларнинг чек-чегарасизлигига, калинлиги — тирикчилик ташвишларининг сон-саноксизлигига, халка-халкалиги — нафс бандалари кўнглини овлаш учун тузокка, коралиги — ўзига эргашганнинг кисматини кора килишига киёсланади ва хоказо. Сочнинг илонга, аждарга ўхшатилиши хам унинг айни маънода мол-дунёга нисбати борлигидандир.

Ариги ичра ушок тоши агар инжу зар,
Тойири умрунг учун донаву су топти лакаб.

Яъни: «Бу дунё ариги ичидаги майда тошчалар агарда дур бўлганида хам алданмаки, улар умринг кушини овлашга мўлжалланган сув ва доналардир».

Диккат килсангиз, газалда дунё ўкувчи кўз ўнгидаги овчи сифатида гавдалантириляпти. Бу овчининг оддий овчидан фарки шундаки, у одамларни овлайди: тузогини ёяди — лаззатларни ваъда килади; суву дона сочади — неъматларини куз-кўз этади. Лекин зийрак куш суву донага алданмайди, унинг ортида тузок борлигини англайди:

Англа зийрак куш аниким, кўрубон мундок дом
Бўлмагай теграсида обхўру дона талаб.

Бунда зийрак куш — ўзини англаган киши дона илинжида ортиқча еб-ичиш оркасида адаб коидаларини унутиб, бог сахнини нажосат билан ифлос килмайди:

Дона об, хосил этиб фазла, нажас айламагай
Бог сахнини, риоят килибон тарки адаб.

Суву донадан емаганида хам куш домга гирифтор бўлиб, кейин ундан кутулиш йўлини тополмай, уриниб, талпиниб, гавго кўтармайди. Тузокка тушмаслик учун киши накшбандиянинг «Назар бар кадам» коидасида асослаб берилгани каби хар бир кадамини ўйлаб босиши, ўз хатти-харакатини муттасил назорат килиб бориши керак.

Чун Навоий кўзи бөглиқ күш эрур олам аро.
Бу чамандин англа учмогни насиб эт, ё Раб!

Мазкур газал «Хазойин ул-маоний»нинг иккинчи китоби — «Наводир уш-шабоб» девонига киритилган. Маълум бўладики, у шоирнинг йигитлик даврида ёзилган. Карангки, бу фаслда дунё неъматларига алданиш хавфи кўпроқ бўлади. Навоийнинг мартаба ва нуфузи орта борса-да, у сира кибру хавога берилмади. Аксинча, ўз хулкини тарбиялаш, хаммага хокисорлик ва тавозе кўрсатиш пайида бўлди. Бу хақда Хондамир «Макорим ул-ахлокда шундай ёзади: «Хар качон подшохи соҳибкорондан ўз холига бирин-кетин иноят ва марҳамат кўргани сари хилват жойга борар, бош ялангочлаб, бир микдор тупрокни бош устига сочар ва азиз нафсига унданбайттарди, дунё мартаба ва хашаматларининг эътибори йўқ зинхор бу мартабаларнинг кўлга киришини худбинлик ва такаббурликка сабабчи килма: ўзингни тупрокка тенг тутиб, мумкин кадар фукаро ва мискинлар ишини хал килишга урин».

Дарҳакикат, мартаба ва обрў-эътибор туфайли кибру гууррга берилиб кетмаслик, нафсу хаво ишвасига учмай, ўзини пок саклаб колишнинг ўзи бўлмайди. Шунинг учун хам шоир Аллоҳга мурожаат килиб айтадики: «Навоий бу оламда кўзи бөглиқ күшга ўхшайди, унинг дунё макрига алданишига йўл кўйма, тириклик тўрларини узиди чишиб, илохий парвоз айлашини насиб эт!»

Навоийнинг бошка бир асари «Муножот»да хам шунга ўхшаш фикрларни ўқиймиз: «Илохи, дунё майли риштасин кўнглумдин уз ва нафсоният тийралигида хидоят шамъи била ўзунг сори йўл кўргуз!»

Эргаш ОЧИЛОВ